

Июннинг 15-ида чоршанба куни Боку театр техникумидаги талабаларимизнинг учинчи ўюнларини кўрдик. Бу дафъа таржима эмас, табдил килинган бир асар, Жаъфар Жабборзоданинг «Ойдин» номли фожеаси кўйилган эди. 25—30 йиллик бир тарихга эга бўлган Озарбайжон турк театри, бу асарни сўнгги бир-икки йил ичида репертуваридан сира тушурмайди. Хозир мундай яхши асарлар турк халклари сахналарида бармок билан саналади. Хатто, бу кун театр санъатининг маркази саналган Маскавда ҳам яхши театрлар учун яхши асарлар топилмасдан, репертувар масаласи бош айлантиргучи масалалардан бири бўлиб юради. Ўзи яхши бўлса руҳи (мазмуни) тўғри келмай қолади, руҳи яхши бўлганларининг ёзилиши заиф бўлади ва хоказо... Шундай бўлгондан кейин миллий жумхуриятларнинг сахналарида яхши асарга мухтожлик ҳаммадан кўб кўрилиб, ҳаммадан кўб сезилади. Бу, кўз олдимизда ўтиб турган ахвол.

Жабборзоданинг бу асари ҳақиқатнинг қок ўртасидан қовланиб олинган бир мавзунини сахналашдирган бўлса ҳам, жуда кўнгличак (сентиментал) бир руҳ билан ёзилган. Асарнинг ширин ва ёқимли тили, бошдан-оёқ одамлик (космополит) фикрларини тўкиб туради, асарнинг бош қаҳрамони Ойдин, тинчимас ва тўполончи, кўнглидан ҳамма вақт одамлик, аяш ва кизғониш туйғуларини чиқариб туради. У, Абдусалимзода Мухаммадходининг «Фирдавси алҳомат» деган асаридаги ер юзи жаннатларини истайди, дунёни «олтин» деган балодан қутулган қилиб кўрмакчи бўлади. Хотини Гултаксин тузук-кўрук бир қўйнаги йўғлигидан, ляк рўмолини паранжи қилиб бекитиб юради. Ойдин бўлса ўз элига Наполеён ва Чингиз хашамати билан қиришни истайди, шуни ҳаёл қилади... Бу Ойдин, асримизнинг манхали дарвишларидан; одам ақлли иш қилиб, ишлаб башарнинг дардига малҳам бўлиш ўрнига—сиз... сиз... ўзингизнинг нима эканингизни билмайсиз, англамайсиз! — дейди. Теграсидаги ҳаммани «билмаслар» деб ўйлайди. Холбуки, ўзи ўз хотинининг уни деб (яъни Ойдинни деб) номусини сотишга мажбур бўлганини билмайди. Умри ўт аравада ўтган, фикри тилла соат ва тилла узуклардан айрилмаган аҳмок бир бой хотинининг тўрт огиз гаразли гапига ишониб, қилча айби бўлмаган Гултаксинга бўлмаган оғир сўзларни ташлайди. Ойдин «шапкали» дедим, Ойдин палли бир туркнинг шапкаси бўлгондан кейин, у «мунавваз» дир, маданиядир. Сўзлари олтиндан қиммат бўлса ҳам, салбий, ёмон, ярамас маданиядир. Дунё зулму жабрга тўлган бўлса, аччиқ қилиб, «вўдка» ичиш керак эканми? Битга аччиқ қилиб тўнни қуйдириш лозим эканми? Жабру зулмда энтиккан одам болаларининг аламларини оз бўлса ҳам, жиндек бўлса ҳам енгиллатиш ҳар бир соғлом кишининг қўлидан келади-ку. Олайлиқ Давлатбек бойнинг зовутидаги иш ташлашни: ишчилар иш ташлагонлар бола-чақалари билан оч ёталар бой ҳаммасини зовутдан ҳайдамакчи, бечора ишчилар нима қилишларини билмайдилар, уларга йўл кўрсатиш керак: Йўлни қим кўрсатади? Билганларми? Билганнинг бири ва қаттаси Ойдин бўлса, болгани олиб у билан гаплашади, унга «сен билмайсан» дейди: Зовутга ўт қўймоқчи бўлади, қўёлмайди, бошқалар қўйиб юборса, «сув беринг, сув! Маданият қуйди!» деб боқиради... Мундай башарият ходими билан ҳалиги ҳа деб «жаханнамга» деб юра тургон жинни ишчининг орасида нима фарқ бор? Нима фарқ?

Бу асарни текшириб ўлтирмокчи эмасман, у кўб чўзилиб кетатургон нарсa. Мунга газета бетлари торлик килиб коладир. Асарни бир неча дафъa ўкиб, кўриб сўнгра дурустрок текширмак мумкин. Хозирча мен бош кахрамон тўгрисида керак деб олганим гапларни айтиб кетдим.

Энди ўйналиш жихатига келсак, яна бурунги гапни кайтаришга тўгри келади. Талаба холидаги йигитларимиз учун бу асар огир. Айникса, Ойдин билан Гултаксиннинг рўллари жуда кучли ва мохир актёрлар талаб килади. Ойдин билан Гудтаксинни ўйнаган актёр ўсади, тез ўсади; у икки рўл, тарбия бергувчи рўллардандир. Шунинг учун юхорида таъриф килингон Ойдинни биз бу дафъa коникиб кўра олмагон бўлсак, билмадим кимни айблашга тўгри келар экан. Менча ҳеч кимни... Шубҳасиз бу кеча Ойдин рўлини ўйнагон Рахимберди, сўнгроқ ўсади, лекин, «бу рўл ўшаники бўлади» дейиш ҳам мумкин эмас. Айнихса, Гултаксин рўлидаги киз Назира, у хали ҳам умуд беради. Бой рўлидаги Сайфи кори жуда ёт кўринди. Демак, меросхўр бойбачча; у холда унинг бузуклиги ўткур килиб кўреатилса бўлар эди. Бойнинг хотини рўлидаги киз сахнада ўзини эркин тутади, бу биринчи муваффақ бўлиш демакдир, Бошкалар ўзларига яраша текис ўтдилар. Кўйилиш ва зийнат жихатларидан камчилик кўб бўлди.

Ойдин — «Зарафшон», 1927 йил 20 июнь.

Табдил — а., ўзгартиш, алмаштириш. Бир-бирига якин тиллардаги асарларнинг табдилини таржима дейилмайди. Бу ўринда озарбайжон туркчасидан ўзбек туркчасига алмаштириш назарда тутилади — табдил шу.

Жаъфар Жабборзода (1899—1934) — озарбайжон драматурги, режиссер, театр арбоби. «Ойдин» пьесаси 1922 йилда яратилган.

Рахимберди — Р. Пирмухаммедов (1897—1972), ўзбек театри ва кино актёри, СССР халк артисти.

Назира — Назира Алиева, 1912 йилда тугилган, ўзбек актрисаси, Ўзбекистон ССР халк артисти.